



Бутун дунё пролетарлари, бирлашининг!

СССР ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон СССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

23 август 1972 йил, чоршанба

№ 197 (15368). Баҳар 2 тўйин.

ТОШКЕНТ МЕХМОНЛАРИ

Яқинда Улан-Баторда бўлиб ўтган Осб ва Африка мамлакатлари хотин-қизлари II конференциясининг қатнашчилари 22 августда Тошкентга келишди. Хиндистон, Лаос, Миср Араб Республикаси, Эфиопия, Уганда, Кения, Гамбиядан келган меҳмонлар ўзбек дўстларининг ҳаёти ва меҳнати билан танишди.

(УзТАГ).

РУМИНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING
БОШ СЕКРЕТАРИ,
РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ КЕНГАШНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Николае ЧАУШЕСКУТА

РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ
МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Ион Георге МАУРЕРГА

Азия ўртоқлари!
Миллий байрам — Руминия фашистлар зулмидан озод этилганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Руминия Социалистик Республикаси Давлат Кенгаши, Министрлар Совети ва Руминия Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқининг дўстона табриклари ва энг яхши истакларини йўллаймиш.

Совет Армиясининг ҳал қилувчи ғалабалари ҳамда шу қўлай ва-зиятда 1944 йилнинг 23 августида қурулган кўзғолан амалга оширилиши натижасида Руминия фашизмдан озод бўлиб чуккур революцион ўзгаришлар ва социал иқтисодий тараққиёт йўлига кириш имконини олган кунлардан бири 28 йил ақриб турибди. Уштан йиллар мобайнида румин халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида фидокорона меҳнати билан ўз ватанини социалистик давлатга айлантирди, социалистик жамият қурилишида, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришди. Совет кишилари Руминиянинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан қалин ҳамкорлиги шaroитларида қардош румин халқи эришган шу муваффақиятларини мамқуният билан қайд этадилар.

Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик муносабатлари вужудга келиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни мустаҳкамлаган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома ҳар иккала халқ марксизм-ленинизм принциплари асосида Совет—Руминия муносабатларини ҳар томонлама кенгайтириб боришга, социализм ва коммунизм қурилишидаги кушгайратларини бирлаштиришга, социалистик давлатлар бирлиги ва интернационал бирдамлигини мустаҳкамлашга интилаганликларини ақс эттиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукумати партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам қуч-ғайрат сарфлайверади, Варшава Шартномаси ташкилотидagi ҳамкорлигимизни чуккуллаштиришга, ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантиришга ёрдам бераверади, социалистик ҳамдўстлик давлатларининг халқаро майдонда социализм халқаро позицияларини ва бутун дунёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб бигриликда қиладиган ҳаракатларини кенгайтиришга қўмак бераверади.

Руминия фашистлар зулмидан озод этилганлигининг 28 йиллиги кунда Сизга барча румин коммунистларига ва Руминия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига социализм қурилишида, халқларининг тинчлиги ва ҳавфсизлиги учун курашда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС билан РКП ўртасидаги, совет халқи билан румин халқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик яшасин ва мустаҳкамлансин бераверсин!

Л. БРЕЖНЕВ,
КПСС Марказий
Комитетининг
Бош секретари

Н. ПОДГОРНИЙ
СССР Олий Совети
Президиуми
Раиси

А. КОСИГИН,
СССР Министрлар
Советининг
Раиси.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

22 август кун Тошкент темир йўлчилари маданият саройини Руминия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари беэда. Республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари Руминия фашистлар диктатурасидан озод этилганлигининг 28 йиллигини таъна билан нишонлаш учун бу ерга келишди.

Йирилишда Руминиянинг СССР-даги элчихонаси матбуот атташе-

си Ион Бистрану кут сўзлади. Йирилиш қатнашчилари социалистик қурилишда, Совет Иттифоқи билан, социалистик ҳамдўстлик барча мамлакатлари билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда румин халқига янги-янги муваффақиятлар тиладилар. СССР билан дўстона алоқалар Руминия жамияти номига юборилган табриқномада ҳам мана шу истак айтилди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Сурия Араб Республикаси Халқ кенгашининг раиси Фахми ал-Юсуфий СССР Олий Советининг тақлифига биноан расмий дўстона визит билан 22 августда Москвага келди.

Сурия Араб Республикаси, ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Шерматеево аэродромда меҳмонни СССР Олий Совети Миллатлар

Советининг Раиси Е. С. Насриддинов, СССР Олий Советининг депутаты В. Н. Титов, СССР Олий Совети Президиуми халқаро алоқалар бўлимининг муdiri В. Г. Висотин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олулчилар орасида Сурия Араб Республикасининг Совет Иттифоқидagi элчиси Жамил Шайх ҳам бор эди.

(ТАСС).



Хоразм области, Богот районидagi Нариманов номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Курбанов бошлиқ бригадаси аъзолари 101 гектар ерининг ҳар гектаридан 60 центнердан оқ олтун ундиришга бел боғлашган. Суратда: қаҳрамон бригадир ҳосил чўғини на-маламонда.

Т. Муҳаммадов фотоси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида сабзавот, картошка, ҳўл мева ва полдз экинлари маҳсулотлари тайёрлаш плани қандай бажарилаётгани тўғрисида 1972 йил 21 августга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Биринчи, учинчи, бошчи ва еттинчи стулар — минг тонна ҳисобда тайёрланган; иккинчи, тўртинчи, олтинчи ва саниқининг стулар — планини бажарилиш проценти).

Областлар	сабзавот	картошка	ҳўл мева	полдз экинлари
Тошкент	80,5	34,4	20,6	58,0
Сирдарё	3,9	16,8	0,1	8,9
Фарғона	36,2	57,5	2,3	22,6
Наманган	30,7	71,4	1,3	47,1
Андижон	29,5	53,6	0,7	42,5
Самарқанд	43,4	37,4	4,0	30,1
Вухоро	14,0	50,0	—	2,9
Намқадарё	11,3	38,9	1,0	65,1
Сурхондарё	15,0	68,3	1,6	69,8
Хоразм	5,6	37,4	—	0,02
ҚАССР	4,8	29,8	0,3	17,3

Республика бўйича: 274,9 42,7 31,9 45,2 67,6 72,3 66,5 19,0

«МАРС-2» ва «МАРС-3» АВТОМАТ СТАНЦИЯЛАРИ ЁРДАМИДА

МАРС ПЛАНЕТАСИНИ ИЛМий ТАДҚИК ҚИЛИШ ПРОГРАММАСИ БАЖАРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

«Марс-2» ва «Марс-3» совет автомат станциялари ёрдамида Марсинг суний йўлдошлари орбиталаридан уни тадқиқ қилишнинг планлаштирилган комплекс программаси тугалланди.

Планетанинг юзаси ва атмосферасининг, шунингдек планета атрофидаги космик фазонинг физик хосса-лари тўғрисида катта ҳажмда илмий ахборот олинди.

«Марс-2» планеталаро автомат станцияси 1971 йил 19 майда ва «Марс-3» станцияси 28 майда планетага учми траекториясига чиқари-лган эди. Ер — Марс трассидаги ол-тидан кўпроқ девам этган парвоз вақтида станцияларнинг бортидан планеталаро космик фазонинг фи-зик хосса-ликлари билан илмий ўл-чаш иши мунтазам девам этирил-ди.

«Марс-2» автомат станцияси 27 но-ябрда ва «Марс-3» станцияси 2 де-кабрда планета атрофидаги орби-таларга ўтказилди ҳамда планетани ва унинг атрофидаги фазони бевосита тадқиқ қилишга киришди.

«Марс-3» автомат станциясининг туширилувчи аппаратини планетага биринчи марта юмшоқ қўндириш ва унинг юзасидан ерга радио сигнал юбориш амалга оширилганлиги му-раккаб космик экспериментнинг жу-да катта муваффақияти бўлди. Марс юзасига Совет Иттифоқининг герби тасвирланган вимпеллар элиб қў-йилди.

Планетанинг турли ёнларидида су-в буғи таркибининг ўзгаришлари кузатувлар даврида унинг микдори Марс атмосферасидаги нисбатан тах-минан 5000 баравар кам эканлигини аниқлаш имконини берди.

Тарқоқ ультракенафша, радиация-микдорини ўлчаш натижасида пла-нетанинг космос атмосфераси структу-раси — унинг узунлиги, таркиби ва температураси тўғрисида маълумот-

лар олинди. Радио тўлқинлар Марс атмосферасидаги орқали ўтиб бораётган пайтда унинг сийқинини ўрганиш пла-нета юзаси яқинидаги босқини ва те-мпературанинг аниқлашга имкон берди. Станция парвозининг дастлаб-ки икки ойи давомиди рўй берган одадан ташқари кутли чанг бўрон пайтда Марс атмосферасининг ти-килиги ўзгариб боришига қараб ана шу қизқарган ҳодисанинг харак-теристикалари тўғрисида маълумот-лар олинди, планета атмосферасида-ги чанг зарраларининг таркиби ва ўртача ҳажмлари аниқланди.

Чанг бўрон планетани фотосурат-га олишни ва бозини бир илмий ўл-човларни бирмунча қийинлаштирди. Лекин Марс суний йўлдошларида-ги фотопараллар ёрдамида олин-ган Марс гардишининг тасвирлари планета тўғрисидаги илмий маълу-мотларни аниқлашда, Биринчи марта Марсининг Ердан қўрнимайди-ган фазалардаги фотосуратлари олинди. Станциялар бортидан юбо-рилган фото тасвирлар планетанинг юзаси, атмосферасининг тузилиши ва киефаси тўғрисидаги ахборотни тўлдирди.

Бир-биридан аниқ ҳил орби-таларга чиқариб қўйилган «Марс-2» ва «Марс-3» станцияларининг парвоз программасида Марсининг теварак ат-мосферасидаги турли энергиялар

майдон ва зарралари характе-ристикасининг бевосита ўзгаришга му-ҳим ўрин берилган эди.

Йўлдошларда ўтказилган ўлчовлар планетада магнит майдони бор-йў-қлиги масаласини ўрганиш учун мате-риал берди. Магнит майдонининг мунтазамлиги даражасини тадқиқ қилиш Марс табиятининга эмас, шу билан бирга Куйш системаси пла-неталарининг келиш чикими ва эволю-циясини тушуниш учун ҳам жу-да муҳим аҳамиятга эга.

Космик фазони тинч мақсадлар та-дқиқ қилиш соҳасидаги Совет — Франция ҳамкорлиги программаси-га мувофиқ Франция мутахассислари ишлаб чиқиб тайёрлаб берган «Сте-реос» аппаратлари ёрдамида ўтказил-ган ўлчовлар Куйш, радионурланни-нинг структураси тўғрисида қўшима маълумотлар олиш имконини берди.

Космик фазони тадқиқ қилишнинг навбатдаги босқини тугалланди.

Совет Иттифоқининг илмий муас-сасаларида Марсининг суний йўл-дошларида олинган ахборотни иш-лаб чиқиб ва анализ қилиш девам этмоқда.

Янги космик эксперимент нати-жалари Куйш системаси планета-ларининг табияти тўғрисидаги фанин аниқ бойлатади.

Совет космонавтикасининг ажойиб муваффақияти самовий жисмларни автомат аппаратлар ёрдамида мун-тазам равишда илмий тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Йиғим-теримни қисқа муддатларда ўтказайлик!

ПЛАН — 15 КУНДА

АНДИЖОН ОБЛАСТ, БУЗ РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИ»
КОЛХОЗИНИНГ ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИНИ ЎШОҚОҚЛИК
БИЛАН ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Бу йил юқимиз анча оғир. 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганимиз. Давлатга 3200 тонна пахта етказиб берамиз. Бу, планда нўзда тутилганидан 1360 тонна кўп. Аҳдга вафо қилишни, сўзимизнинг устидан чиқини олдиниз. Ҳа асосий мақсад қилиб қўйганимиз. Йил бошидан буюн ана шу эзгу ниёт йўлида кўп тер тўқдик. Ҳар тул гу-зани худди фарзандимиздан эрдонлаб ўстирдик.

Ҳозиргача гўза қатор оралиғига 5 марта ишлов беришди. 3 марта чуқур кетмон чопиғи ўтказилди. Тера-синга қараб гўза тўрт марта суғиғ қондирилди. Уч мар-та озиклантирилди. Чаканани тақабалаб, экиннинг ҳолатига қараб ўтказдик. Юксак манбурятини қоплаш учун ҳар тул гўзада камиди 15 таздан нўсак тўплаш зарур. Биз бунга ҳали эришганимизча йўн. Ҳар тул гу-затда 10 таздан бўлиб нўсак пайдо бўлди, холос. Шу-нинг учун гўзатда ишлов беришни пахта йиғим-терими-гача тўхтовсиз давом эттиришга қарор қилдик. Сувчи ва меҳнаткорлар зиммасига янада масъулиятли вази-фалар юқилди.

Колхоз бўйича 42 сувчи ишлатпти. Уларга участка-лар бўлиб берилган. Айрим пайналарда гўзани кир-тиб сугориш ташкил этилди. Сувчиларга яхши шaroит яратилган. Гўзани об-тобиди сугорган, сувдан темаб, тергаб фойдаланган деҳқонларини рағбатлантириб ту-рибмиз. Бунинг учун махсус комиссия тузилган. Улар тунда сувчиларнинг ишини кузатишди. Шу тариқа ил-гор сувчилар аниқлашди ва мунофотга тақдим этилди.

Сувдан чиққан ерлар етилиши билан юмшатиб қў-йилмоқда. Гўзаларнинг ҳосил шоҳлари кўпайиб, нўсак-лар етилган сайин эгитларда тракторларнинг юриши қийинлашмоқда. Шунга кўра тракторларнинг ишни ор-ганларига ҳимоя тўсиқлари ўрнатилиб, ахтиёркорли-билан ишлов бериляпти.

Хуллас, нўсаклар тўлишпти, дастлабларин эса оч-ла бошлади. Бу, пахта йиғим-терими яқинлашиб қол-ганидан нишонча. Ҳа, терим яқин. Деҳқон орақиб кутган кунлар келипти.

Шунга кўра гўза парваришини сира сусайтирмаган ҳолда теримга пахта таъғирларини кўрмоқдамиз. Бултур пахта тайёрлаш йилини планини 14 иш кунинда бажар-ган эдик. Ҳосилнинг асосий қисми нақиллар билан териб олинган. Пахта танакҳи анча пролонгашди. Бу йил ҳам теримни юқис ўшоқоқлик билан, қисқа муддатда ўтказамиз. Теримолди йиғилишда шунга қа-рор қилдик. Бригада бошлиқлари, мутахассислар, ме-ханизаторлар, теримчилар иштирон этган бу йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзе-бекистон ССР Министрлар Советининг «Республика кол-хозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларининг 1972 йилги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлашга ҳо-зирилиги тўғрисида»ги қарори кенг муҳокама қилинди. Пахта йиғим-теримини мамулали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Теримолди кенгашида яна бир қатор тадбирлар бел-гиланди: йиғим-теримини тез ва соз ўтказамиз. Еттиш-тирдан ҳосилнинг 80 процинини машинада териб оли-миз. Ҳар бир машинада ўртача 100—120 тонна пахта терамиз. Пахтанинг ҳаммасини фанат биринчи сорта-сотамиз, уни тайёрлов пунктларига қопланорсиз етказ-иб берамиз. Теримган пахтанинг хирмонда тўпланди қолнишга йўл қўймаймиз.

Бу йил пахта буттуридан аниқ неч очила бошлади. Шунинг учун халқ орасида «терим узонка чўзалади», деган гап юрмоқда. Бундай вақимга ўрин йўн. Чун-ки, нўсаклар баравар етилимоқда, ҳаммаси бир вақтда очилди. Ҳамма гап ишни тўғри ташкил этишда. Пах-та териш машиналари, нўсак тарадиган, куйидагилар, а-регатлар подбoршчилар ишга шайлаб қўйилди.

Транспордан қўйналдиган жойимиз йўн. Колхоз-мида ҳар бир терим агрегатига 2 тадан принцип би-ринчи қўйилган. 26 та принципнинг ҳаммаси пахтадор-лар ихтиёрида. Улар билан ҳар тул 7—8 процингача пахта ташиш мумкин. Пахта ташиш тузилишини оши-риб бажарган шоферлар, принципчиларни рағбатланти-риб турамиз. Беш кунлида кўп пахта ташиган, ёнига темаган транспорт ҳодимларини моддий рағбатланти-риш тадбирларини қўриб қўйдик.

Теримга тайёргарлик — кенг қўламдаги ишдир. хирмонларнинг бўзилган жойлари ремонт қилин-

ди.

МАННОН ЖАЛОЛОВ,
Андижон области, Бўз районидagi «Партия XX съез-ди» колхозининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳра-ми, СССР Олий Советининг депутаты.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

1970—1971 йиллардаги киши-портининг шофери С. И. Подте-ребова, «Мурманск» музбери-нинг капитани Ф. И. Федосеев, Шмол парохотчилигининг уст-за СССР Олий Совети Президиуми 1972 йил 22 августдаги фармони билан алоҳида ўрнак кўрсатган ҳодимлардан бир гуруписини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

«Ленин» атом музбери капитанининг ўринбосари В. К. Кочетков, ва «Лена» дизель электроход-ининг капитани В. А. Куроптев Ле-нин ордени билан, «Лена» дизель электроходи капитанининг бири-чи ердамчиси А. В. Михин, Дудин

лидани.

ТАЖИБА УРГАНГА ЎЗБЕКИСТОНГА

Хиндистон қишлоқ ҳўжалиги-нинг бир гуруҳ мутахассислари қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқари-шида агрохимия хизматини таш-кил этиш тажрибаси билан те-лашшган Ўзбекистонга келди.

Улар республика бўйлаб сафар қилиб илмий-тадқиқот институ-ларда, тажриба станцияларида, об-ласт, колхоз ва совхоз агро-химия лабораторияларида бўли-лар, тажриба олишадилар. Ўзе-бекистон бўйлаб Хиндистон қишлоқ ҳўжалиги олимлари ва мутахас-сислари ўртасида амалий ва дў-стона алоқаларни мустаҳкамлай-лар.

(ЎзТАГ).

